

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРТЕЛЬС
ЕВГЕНИЙ ЭДУАРДОВИЧ

НАВОЙЙ

Тошкент
«Tafakkur qanoti» нашриёти
2015

УДК: 821-512-133

ББК 84(Ў5)

Б-79

Ушбу таржима асари падари бузургворим Камолхон Мирза Бадалхўжа ўгли, волидаи меҳрибоним Шаҳарой мулла Саидназар қизи, ўғлим Лутфуллахоннинг хотираларига бағишланди.

Т а р ж и м о н :

И.К.Мирзаев – филология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Ш. С. Сирожиддинов – ф.ф.д., проф.

Муҳаррир: **Н.Қ. Жўраев**

Т а қ р и з ч и л а р :

М.Қ. Муҳиддинов – ф.ф.д., проф.;

М.Жўраев – ф.ф.д., проф.

Е.Э. Бертельс

Навоий. Монография. / Таржимон И. К. Мирзаев – ф.ф.д., проф. – Т.: «Tafakkur qanoti», 2015. – 372 бет.

Ушбу монографияда Темурийлар, Ҳирот, Самарқанд, Султон Хусайннинг тахтга ўтириши, Темурийлар даврида адабий муҳит ва туркий шеърият; Навоийнинг ёшлиги, ўспиринлик йиллари, мансабдорликнинг бошланиши, лирик шеърлар, шухрат чўққисида, А. Жомий билан дўстлиги, «Бешлик»нинг яратилиши; ҳалокат, сўнгги йиллари, охириги сўзи, вафоти; Навоий ва фольклор мавзулари ёрқин ва жуда ўқимишли ёритилган.

Монография шарқшунос, навоийшунос, адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф, педагог, ўқувчи, талаба, магистрант, докторантларга, бо-бокалон шоиримиз ҳаёти ва ижоди билан қизиқадиған барча юртдошларга мўлжалланган.

УДК: 821-512-133

ББК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-382-33-6

© И. К. Мирзаев, 2015 й.

© «Tafakkur qanoti», 2015 й.

***НАВОИЙ КУНДА КЕРАК, ҲАР БИРИМИЗ-
ГА КЕРАК. УНИНГ ҲАР БИР АСАРИ, ҲАР
БИР ҒАЗАЛИ, ҲАР БИР СЎЗИНИ ЭЛ МАН-
ФААТИГА ЕТКАЗАЙЛИК.***

***Ислом Каримов
Ўзбекистон Республикаси Президенти***

**НАВОИЙ ИЖОДИ МУЗЕЙ КЎРГАЗМАСИ
ҲАМ, ТАРИХНИНГ ПАРЧАСИ ҲАМ ЭМАС.
У ЯШАМОҚДА ВА ЯШАЙВЕРАДИ. БИЗ
УНИ ЎРГАНЯПМИЗ, АММО ЖУДА КАМ
ЎРГАНЯПМИЗ. ЎЗИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ
ХОТИРАСИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАБ-
АВАЙЛАШ ВА УНИНГ АСАРЛАРИНИ ТИНМАЙ
ЎҚИШ ВА ЎРГАНИШ – ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ
ШОН-ШАРАФ ИШИДИР.**

**Бертельс
Евгений Эдуардович**



МУТАРЖИМ МУҚАДДИМАСИ

*Порлаб кўринади миллат виждони
Ҳазрат Навоийнинг девонларида
Эшқобил Шукур*

Алишер Навоийни ўрганиш унинг ҳаётлик пайтидан бошланган бўлса-да, навоийшунослик алоҳида фан сифатида XX асрнинг 20 – 40-йилларида таркиб топди. Бунда Е.Э.Бертельснинг хизматлари бениҳоя катта¹.

Евгений Эдуардович Бертельс (1890.12.12., Санкт-Петербург – 1956.07.10., Москва) – атоқли шарқшунос олим, форсий ва туркий адабиёт тарихи бўйича тенги йўқ мутахассис, сўфизм ва тасаввуф адабиёти, Фирдавсий, Низомий, Фузулий, Жомий ҳаёти ва ижодининг улкан тадқиқотчиси, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданияти тарихига доир шоҳ асарлар муаллифидир. У дастлаб Санкт-Петербург давлат консерваториясини, кейин шу шаҳардаги Давлат университетининг ҳуқуқшунослик ва шарқшунослик факультетларини (эрон филологияси кафедраси бўйича) тугатган. Е.Э.Бертельс филология фанлари доктори, Ленинград давлат университети профессори, СССР ФА (1939), Эрон ФА (1944), Туркменистон ФА (1951), Дамашкдаги Араб ФА муҳбир аъзоси этиб сайланган. 1948 йилда «Низомий» монографияси учун 2-даражали Давлат мукофотига сазовор бўлган².

Бертельс Е.Э. 1942 – 46 йилларда Тошкентда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, Ўрта Осиё давлат уни-

¹ Биз ушбу мақолада Е.Э.Бертельснинг хизматларини бўрттириб ҳам, камситиб ҳам кўрсатмоқчи эмасмиз.

² Асосий асарлари: Грамматика персидского языка. –Л., 1920; Избранные труды: I том. История персидско-таджикского литературы. –М., 1960; Избранные труды: II том. Низами и Фузули. –М., 1963; III том. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965; IV том. Навои и Джами. –М., 1965.

верситети (ҳозирги ЎзМУ)да профессор лавозимларида ишлаган. 1946 йилда Москвага кўчиб кетган ва ўша ерда вафот этган³.

Евгений Эдуардович Бертельснинг илмий фаолиятига ўз вақтида жуда юксак баҳо берилган. Масалан, Э.Рустамовнинг «От состовителя» сарлавҳали мақоласида жаҳон шарқшунослигини эроншуносликка доир қимматли тадқиқотлар билан бойитган Е.Э.Бертельс туркий халқлар адабиёти ва маданияти соҳасида ҳам улкан илмий мерос қолдиргани, унинг ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси Алишер Навоий ва пири Абдурахмон Жомий ижодига бағишланган монография, мақола ҳамда тақризлари юксак илмий савияда ёзилгани ва ҳамон навоийшунослар учун ижод мактаби бўлиб қолаётганини ишончли, холис ва изчил баён қилинган (Ушбу мақола, ўз навбатида, академик услубнинг энг гўзал намунаси эканлиги боис, уни ҳам ўзбек тилига ўгириб, китобга илова қилдик).

Биз ушбу ўринда Алишер Навоий ҳақида Е.Э.Бертельс томонидан ёзилган “Навоий” монографияси билан боғлиқ айрим мулоҳазалар баёни билан чегараланамиз.

I. Е.Э.Бертельснинг Алишер Навоий билан “танишиши” жуда ғайриоддий бир тарзда содир бўлган: XX асрнинг 20-йилларида Эронда Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достони чоп этилган пайтларда собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Осие музейи кўлёмаларини тавсифлаётган Е.Э.Бертельснинг кўлига эски ўзбек шеърятининг янги кўлёмаси тушиб қолади. Бу кўлёмма Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони бўлиб чиқади. У бу дoston ҳақида шарқшунослар нима ёзган бўлса, ҳаммасини ўқийди ва дoston Фаридуддин Атторнинг достони таржимаси экан деган хулосага ҳам келади. Бу ҳақда Е.Э.Бертельс шундай ёзади: «Мен XV аср шеърый таржима техникаси билан қизиқиб қолдим ҳамда Аттор ва Навоий дostonларини синчиклаб, бобмабоб қиёслаб бошладим. (...) Навоий дostonини қанча кўп ўқисам, у ўзининг инсонпарварлиги, майин, илиқ, соф туркий мутойиба-

³ Қаранг: Люди и судьбы. Биобиблиографический словарь востоковедов – жертв политического террора в советский период (1917–1991). –С.–Пб.: Петербургское востоковедение, 2003.

си билан мени шунча мафтун этарди. Уларнинг Навоий асарларини ўқимасдан, фақат сарлавҳаларига асосланиб, уни таржимон дейишгани аён бўлди. Мен ўз олдимга ҳақиқатни аниқлаш вазифасини қўйдим ва буни ўзимнинг «Навоий ва Аттор» мақоламда⁴, менимча, жуда муваффақиятли уддаладим»⁵.

II. Алишер Навоий «Хамса»сини четга сотилиб кетишдан асраб қолган ҳам Е.Э.Бертельсдир. Унинг Алишер Навоий устида олиб бораётган тадқиқотлари Ўзбекистон илмий доиралари эътиборига тушади ва у 1930 йилда маъруза ўқиш учун Самарқанд (Ўзбекистоннинг собиқ пойтахти)га таклиф этилади. Маъруза тугаши атрофида уни Наркомпрос (Халқ таълими вазирлиги)га чақиришади ва ундан чет элга сотишга мўлжалланган қўлэмаларни кўриб чиқишни сўрашади. Иттифоқо, унинг кўзи жуда титилиб кетган каттакон жилдга тушади. «Очсам, – деб сўзини давом эттиради Е.Э.Бертельс, – жуда қорайиб кетган ёки махсус қора рангга бўялган қоғоз; хунук, аммо XV асрнинг беҳад шошиб битилган дастхати: Навоийнинг машхур беш достони жамулжам. Бу достонларнинг кейинги қўлэмаларини бозорга солиш мумкин, аммо бундайини – ҳеч қачон. Каттакон уюмдан йигирмага яқин қўлэмани танлаб олдим. Кейин уларни Илмий текшириш институти раҳбарияти сотиб олди. Институт барҳам топгач, улар Тошкент Давлат кутубхонасига топширилди (ҳозир бу қўлэмаларнинг ҳаммаси ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда)»⁶.

Уруш йиллари Е.Э.Бертельс Тошкентда Тарих, тил ва адабиёт институтида яна ўша, сотилишдан ўзи асраб қолган қўлэзма устида ишлайди ва узоқ изланишлар натижасида қўлэмани Алишер Навоийнинг ўзи айтиб туриб ёздирган деган хулосага келади. Қиёсланг: “Мен яна ўзим четга олиб кетишдан асраб қолган қўлэзмага дуч келдим. Энди шошиш керак эмас, шунинг учун мен уни хотиржам ва астойдил ўрганишим мумкин. Бу ерда мутахассисларни саросимага солган бир нарса чиқиб

⁴ Бертельс Е.Э. Навоий ва Аттор. Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. –Т., 2005.

⁵ Бертельс Е.Э. Кўрсатилган асар, 450-б.

⁶ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи и Джами. –С.451.

қолди. Маълумки, Навоийнинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” 888/1483 йилда ёзиб тугалланган. Бироқ қўлёзма Абдул Жамил исмли хаттот томонидан 1484 йилнинг апрель-май ойларида кўчирилган. Бу санага ишониш жуда қийин, чунки шундай катта, бир неча минг байтдан иборат дostonнинг ёзилганидан кейин икки-уч ойда қайта кўчирилганига ақл бовар қилмайди”⁷.

III. Е.Э.Бертельс нафақат Алишер Навоийни кашф этди, шунингдек, биринчи бўлиб, темурийлар даври ўзбек адабиётининг буюк вакиллари Саккокий, Атоий, Лутфий, Султон Ҳусайн ҳақида ўлмас сатрлар битди, бу давр ўзбек шеърининг техникаси моҳиятини очиб берди. Шунингдек, у жаҳон шарқшунослигида биринчи бўлиб, туюқ ҳақида ҳам маълумот берди, унинг туркий халқлар оғзаки ижодиётига бориб тақалишини аниқ мисоллар билан асослаб берди. Мусаммат, мухаммас, мусаддас каби поэтик жанрларни илмий муомалага олиб кирди.

IV. Евгений Эдуардович Бертельс Алишер Навоийнинг пири ва устози Абдурахмон Жомий ҳақида ҳам биринчилардан бўлиб мақола ёзди ва унинг пок номини тиклади. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Жомийни, ҳозиргача таъкидланиб келинаётгандек, фақат тақлидгўй, мумтоз шоирларнинг ёмони деб аташ адолатдан эмас. Унинг ижодини давр нуқтаи назаридан ўрганиш Жомийни тожик мумтоз адабиётини муқаррар ўлимдан асраб қолишга, уни иссиқхона шароитида завқ-шавқсиз яшашга маҳкум этган тор доирадан олиб чиқишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилган ўзига хос ислохотчи сифатида эътироф этиш лозим деган хулосага олиб келади”⁸.

Евгений Эдуардович Бертельс ўзбек ва тожик халқларининг азалий ва абадий дўстлигини Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг ўзаро самимий муносабатлари орқали аниқ далиллар билан кўрсатиб беради. Қиёсланг: “1492 йилнинг ноябрь ойида 78 ёшли Жомий шамоллаб ётиб қолади. Унинг аҳволи

⁷ Бертельс Е.Э. Древнейшая рукопись «Пяти поэм» Алишера Навои // Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Навои и Джами. –М.: Наука, 1965. –С.451.

⁸ Бертельс Е.Э. Жомий. Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. –С.: СамДУ, 2010. –Б. 99-100.

кескин ёмонлаша бошлайди. Навоий ҳар куни ўзининг кекса устозидан хабар олиб туради. Бир куни у жуда беҳаловат бўлиб, тунни бедор ўтказди. Отни эгарлашни буюрди ва Жомийнинг уйига қараб кетди. Бу уларнинг сўнгги учрашуви эди: 8 ноябрь куни беморнинг аҳволи янада ёмонлашади, хушини йўқотади ва тезда вафот этади.

Унга бутун Ҳирот аза тутади. Дафн маросими ташкилотчиси ҳам, таъзия қабул қилувчи ҳам Навоийнинг ўзи бўлади ... Дафн маросими Султон Султон Бойқаро, унинг яқинлари ва катта амалдорлар иштирокида ўтади. Майитни қабристонга те-мурий шахзодалар қўтариб боришади. Султон ҳам, Навоий ҳам Ҳирот аъёнлари, саййид ва олимлари учун дабдабали худойи қилишади...

Навоий ва унинг яқинлари Жомийга йил бўйи аза тутадилар. Бир йилдан кейин Навоий Ҳирот аҳолисининг кенг қатламлари учун каттакон йил оши беради”⁹.

V. Е.Э.Бертельс жаҳон шарқшунослигида биринчи бўлиб, Амир Хусрав, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий «Хамса»ларини қиёслаб ўрганди, уларнинг ютук ҳамда камчиликларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан асослаб берди ва “Искандар ҳақида дoston ва унинг Шарқдаги асосий версиялари” номли каттакон монография ҳам ёзди¹⁰.

VI. Ушбу сатрлар муаллифи Е.Э.Бертельснинг “Наваи и Джами” монографиясини таржима қилиш жараёнида бобокалон шоиримизнинг бешала дostonини ҳам қайта-қайта ўқишига тўғри келди ва у, иттифоқо, қуйидаги далилларга дуч келди:

*Чу отланди Доройи давлатпаноҳ,
Сикандарга ўтру тузатти сипоҳ.*

*Сипаҳ дема, дарёйи хунхор – де,
Фалак баҳри андин намудор – де.*

⁹ Бертельс Е.Э. Жомий. –С.: СамДУ, 2010. –Б. 41.

¹⁰ Бертельс Е.Э. Искандар ҳақида дoston ва унинг Шарқдаги асосий версиялари. Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. –С.: СамДУ, 2006.

*Сафе тузди тузмакка ойини ҳарб
Ки, бир қамбали – шарқ эди, бири – гарб.*

*Ясолеки бу тул ила кўргузуб,
Будур турфаким, ети дабқур тузуб.*

*Баронғор анга хайли Машириқ замин,
Самарқанддин токи сарҳадди Чин.*

*Яна юз минг ўзбек мўғул бирла зам,
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам.*

*Бўлуб борчаси олти юз минг киши,
Борига ҳунар кин ила разм иши¹¹.*

Яъни: «Давлатпаноҳ Доро отланиб, қўшинини Искандарга қарши тайёрлади. Уни қўшин эмас, «қонхўр дарё» де, фалак денгизини эса, ундан бир намуна де. Шоҳ қўшинини урушига тайёрлаш учун шундай саф туздики, бир боши Шарқда бўлса, бир боши Ғарбда эди. Бунақа чек-чегараси йўқ катта сафдан еттита тузилди.

Қўшиннинг баронғори (ўнг қаноти) Самарқанддан то Хитойгача бўлган шарқ мамлакатларининг халқларидан иборат бўлиб, бунинг ичида юз минг ўзбек билан мўғул ва юз эллик минг қалмоқ бор ва ҳаммаси олти юз минг кишидан иборат уруш ва жанг қаҳрамонларидан ташкил топган эди»¹².

VII. Алишер Навоийнинг мадраса, шифохона, кўприк, ҳаммомлар қургани, боғ-роғлар яратгани ҳақида кўп ёзилган. Аммо унинг мол-мулки ҳақида деярли гапирилмайди. Евгений Эдуардович Бертельс бу бўшлиқни тўлдиради ва, жумладан, шундай далиллар келтиради: ҳар йили мадраса мударрисларига 1200 олтин танга ва 24 қоп дон; аъло ва яхши ўқийдиган олти талабага 24 олтин танга ва 5 қоп дон, ўрта баҳоларда ўқийдиган сак-

¹¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 11-том. Садди Искандарий. –Т., 1993. –Б.170.

¹² Алишер Навоий. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчи Иноят Махсумов. –Т., 1978. –Б. 68-69.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/784> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/784> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/784>